

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ САМАРАСИ

Сабуров Алишер Икрамович

Сўнги даврда юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда янги механизмларни жорий этиш, эртанги кунга ишонч билан қараш ва ички ишлар органлари тизимига халқнинг ишончини ошириш билан бирга “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойилига риоя қилган ҳолда кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Натижада кадрларни танлаш, жинойтчиликка қарши курашишда уларнинг касбий-малакавий билимларини ошириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида янги тўлақонли тизим шаклланди.

Ходимларнинг хизмат жараёни юқори зўриқишлар, стрессли вазиятлар ва ўз ҳаётини хавф остига қолдириш билан боғлиқ. Шунинг учун ички ишлар органлари тизимида психология фанининг ютуқларидан ва илғор янгиликларидан фойдаланган ҳолда, шахсий таркибнинг белгиланган вазифаларини бажаришларида ижобий натижалар кўрсатиши муҳимдир албатта.

Шахсий таркибнинг ўз хизмат вазифаларини тўлақонли ва сифатли бажаришлари учун, турли стресс ва қалтис вазиятларда ўзларини тўғри бошқара олишлари ва адекват қарор қабул қилишлари учун мунтазам равишда мутахассис-психологлар иштирокида ўқув психологик тренинглар ташкиллаштириб келинмоқда.

Бу эса ўз навбатида шахсий таркибнинг ахлоқий-психологик тайёргарлигини оширишидаги аҳамияти юқори эканлигини билдириб, ходимнинг авваламбор ахлоқий-руҳий тайёргарлигини, иродаси бақувватлигини ва турли стрессли вазиятларга барқарорлигини таъминлайди.

Шу сабабдан 2010 йилдан бошлаб ички ишлар органлари тизимида психологик таъминлаш гуруҳлари йўлга қўйилган бўлиб, унинг олдида шахсий таркибнинг руҳий тайёргарлигини ошириш, ходимларнинг руҳий саломатлигини

муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳодисаларни олдини олиш асосий вазифаси этиб белгиланган.

Психологик хизмат деганда ходимларни ички ишлар органлари тизимида хизматга киришдан то нафақага чиқгунга қадар босиб ўтган умрини психологик томонидан кузатиб, уни қўллаб-қувватлаб бориш, ёш ходимни хизматга мослашиш жараёнига қўмаклашишдан тортиб, унинг раҳбар бўлиб етишиши, касбий ўсиши ва турли қалтис вазиятларда ўзини бошқара олиши ва саросимага тушмаган ҳолда тўғри қарор қабул қилиши тушунилади.

Ҳар бир шахс индивидуал бўлиб, унинг ички ишлар органлари тизимида мослашиши, ўзини тизимда намоён қилиши унинг асаб тизимида, темпераменти, характери ва индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир ходимга индивидуал ёндашган ҳолда, унинг ички потенциални юзага чиқариш ва унинг кучли томонларини намоён қилиш ва ривожлантириш ҳам психология хизматининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, мутахассис-психологлар томонидан ички ишлар органлари ва таълим муассасаларига номзодларни танлашда уларнинг касбий лаёқати, раҳбарлик лавозимларига тайинланаётган ходимларнинг қобилиятлари ҳамда лавозимдан лавозимга ўтаётган ходимларнинг касбий хусусиятлари чуқур ўрганилиши назоратга олиниб, ходимларнинг руҳий барқарорлигини таъминлаш, турли руҳий зўриқиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жойларда «Руҳий енгиллаштириш хоналари»нинг жиҳозланиши замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиб борилиб, жиноятчи шахслар билан психофизиологик мослама полиграф (ёлғон-детектор)дан фойдаланган ҳолда сўровлар ўтказиш фаолиятда кенг қўлланилиб келинмоқда.

Шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятида ижобий ва соғлом шаклланган маънавий-руҳий муҳит ходимларнинг аъло даражада ва тўлақонли равишда хизмат олиб боришларида энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, маънавий-руҳий муҳитни мунтазам равишда таҳлил қилиб, соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб бориш шахсий

таркибнинг ижтимоий ривожланиши ва унинг психологик ресурсларини янада тўлиқ юксалтиришига қаратилган омиллардан биридир.

Маънавий-руҳий муҳит остида жамоа аъзоларининг индивидуал, шахсий кадриятлар ва йўналишлар асосида ўзаро бир-бирига, фаолиятга, атрофдаги воқеаларга ва умуман тизимга бўлган муносабатлари аъло даражада такомиллашиб боради. Бу эса ўз навбатида келгуси фаолиятда ижобий самаралар олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Ғозиев Умумий психология. 2011
2. Большая психологическая энциклопедия. – М., 2007
3. Менделевич В.Д. Психология девиантного поведения. – М., 2001
4. Каменская А.И., Радченко А.Ф. Современная психотерапия и лечение зависимостей // Методы современной психотерапии: Учебное пособие. – М., 2001
5. Короленко Ц.П., Донских А.П. Семь путей к катастрофе. Деструктивное поведение в современном мире. – Новосибирск: Наука, 1990
6. Завьялов В. Ю. Психологические аспекты формирования алкогольной зависимости. – Новосибирск: Наука, 1988